

«Онхазрат (яъни Амир Темурнинг ўгли Шохрух Мирзо) саккиз юзинчи хижрий йили Хуросон мамлакати салтанати тахтига тайин килинди. Салтанат харакатида бўлган гўдаклик чоғларидан то жахон халифалик тахтига чикиб қарор топгани шу замонгача унинг олий истакка интилувчи химматининг кўзда тутган мақсади ҳамиша ҳақ динни мустаҳкамлаш, пайгамбарлар саййиди Мухаммад алайҳиссалом шариатини кучайтириш бўлиб келди ҳамда илохий фармонни ижро этишда, айниқса ман этилган ва номуносиб ишларни йўқотиш ва жиловлаб олишда гоятда жидду жаҳд кўрстатди. Шу ҳолда мухтасиблик олий мансабига мансуб бўлган шариф кишилар ифтихори Саййид Муртазо Саххоф ва воизлар раҳбари мавлоно Абдужалил ал-Коинийлар арзга етказдилар: «Онхазратнинг адолати кўмагида бутун мамлакатда мастликни мушқин хатлик охукўз Хитой гўзаллари кўзидан бошқа ерда кўриш душвор ва ҳуморликни ёрнинг шахло кўзидан бошқа ерда учратиш мумкин эмас бир пайтда шахзодалар Мирзо Мухаммад Жўкай ва Мирзо Алоуд-Давлаларнинг хумхоналари (шаробга) тўла, уни тўкиб ташлаш уёқда турсин, у ерга етиб боришнинг ўзи ҳам беҳуда ҳаёлдан иборат эди. Ҳазрат Хокони саъид ўз шариф вужуди билан шароб тўкишга отланди, давлат оёғини саодат узангисига кўйиб отга минди ва Дарвозайи Хушдан ташқари чикиб, Сепалак тарафига, хумхоналар ўрнашган жойга жўнади. Бадахшон лаълию руммоний ёқутнинг рашқини келтирувчи соф шароблар билан тўлатилган хумларни ҳеч ачинишсиз тупрокка тўқдилар. Шариат юқори кўйилганидан мамлакат янғидан раванг олди ва салтанат бу гамхўрлик шарофати билан ўзга бир тароват топди»

Абдураззоқ Самаркандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридан